



QAROR

Toshkent sh.

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

г. Ташкент

2017 y. « 27 » март dagi МТР 8 -sonli

**Нон ва макарон маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги  
маҳсус техник регламентни тасдиқлаш тўғрисида**

«Техник жихатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, нон ва макарон маҳсулотларининг хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларни белгилаш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги қарор қилади:

1. Нон ва макарон маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги маҳсус техник регламент иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 сентябрдан амалга киритилсин.

2. «Техник жихатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ техник регламентларнинг амалга киритилиши муносабати билан уларда кўрсатиб ўтилган маҳсулотлар ва хизматларни стандартлаштириш бўйича илгари қабул қилинган норматив ҳужжатлар мажбурийлик тусини йўқотиши ва белгиланган тартибда қўллашнинг ихтиёрийлик тусига эга бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Стандартлаштириш, давлат назоратини мувофиқлаштириш ва ахборот технологияларини жорий этиш бошқармаси, «Ахборот ва маълумот маркази» давлат корхонаси, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси билан биргаликда уч ой муддатда ушбу қарор билан тасдиқланган Маҳсус техник регламент белгиланган тартибда амалга киритилган кундан бошлаб нон ва макарон маҳсулотлари хавфсизлигига қўйиладиган мажбурий талабларни белгиловчи стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни қўллашда мажбурийлик тусини бекор қилиш ва ихтиёрийликни таъминлаш чораларини кўрсин.

4. «Ўзстандарт» агентлиги (Мирсаидов, Аманов, Расулов), Худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси билан биргаликда тасдиқланган Маҳсус техник регламентнинг мақсадлари, мазмуни ва уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини кенг хабардор қилинишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош директор ўринбосари Ж. Ғ. Мирсаидов зиммасига юклансин.

Бош директор

  
А. Хаитов